

БУГУНГИ КУНДА ПРОКУРОР ИМИДЖИНИ ЯРАТИШ МАСАЛАЛАРИ (тезис)

Сапарбаев Сирожиддин Қурбонбоевич

Бош прокуратура бошқарма прокурори

Калит сўзлар: Янги Ўзбекистон, янги қиёфа, халқпарвар тузилма, прокурор имиджи, касбий малака, профессионализм, маънавият, ташқи кўриниш, маданият.

Янги Ўзбекистон халқпарвар давлатга айланиш ва халқчил сиёсат юритишни ўзига приоритет сифатида қабул қилди. Бу – давлат органларининг, яъни энг қуйи бўғиндан тортиб энг юқори бўғингача бўлган барча институтларнинг бевосита халққа хизмат қилиш билан боғлиқ фаолият юритишини англатади. Бугун ҳар қандай идора ёки давлат хизматчиси халқ кўз олдида юришга, одамларнинг хоҳиш-истаклари, қонуний талаблари билан ҳисоблашишга мажбур. Давлатда шундай зехният шаклланмоқдаки, агар халқ ишонмаса, олдига келмай қўйса, хизматидан фойдаланмай қўйса, бу идора, ташкилот ёки муассаса тарихи-ю, қандай фаолият кўрсатаётганидан қатъи назар ислоҳ қилинади. Агар халқ кераксиз, фойдасиз деб топса, у идора бутунлай тугатилиши ҳам мумкин. Шу боис, давлат тузилмасида мавжуд бўлишни истаган ҳар қандай идоранинг ўз ишини халқ ҳаёти ва манфаатлари билан чамбарчас боғлашини даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг сиёсий иродаси билан олиб борилган очиқлик сиёсати, шаффофлик сабаб одамлар ўзида “ижтимоий-сиёсий уйғониш ҳисси”ни туйди. Жамият фаоллиги ошиб қолган, одамларда ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қилиш, давлат органлари фаолиятига ҳар томонлама баҳо бериш характери шаклланиб бўлган. Авваллари урфда бўлган, кимларгадир кўринмас имтиёзлар берган тушунчалар аста-секин ўз мавқеи ва аҳамиятини йўқотиб, ўрнини “давлат хизматчиси”, “халқ хизматчиси” ёки “халқ муаммоларини ечишга жавобгар шахс” деган атамалар эгалламоқда. Бугун одамлар пуч ғоя атрофида йиғилмайди, улар **моҳиятан ўзгармаган кўриниш – қиёфа** ортидан эргашмайди.

Ҳар бир давлат органи ва хизматчиси энди ортга йўл йўқ эканини, мураккаб, аммо истиқболи порлоқ бўлган сиёсатга, халқ билан мулоқотга асосланган фаолият шароитига мослашиши, ўзини халқчиллиги, халқпарварлиги билан кўрсатиши, ислохотлар ривожига реал ҳисса қўшиши кераклигини англаб етмоғи лозим.

Сўнги йилларда давлатимиз томонидан прокуратура тизимини тубдан ислоҳ этиш, уни очиқлик ва адолатга асосланган, фуқаролар ва жамият манфаатларига хизмат қиладиган халқчил тузилмага айлантириш борасида бир қатор амалий ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, бугун халқ билан очиқ мулоқот қилиш, аҳоли муаммоларини чуқур ўрганиш ва ҳал этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, асосий эътиборни қонун бузилиши ҳолатларини олдини олиш ва бартараф этишга қаратиш прокуратура органларининг асосий ва кундалик вазифасига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев бу хусусида тўхталиб, “бугунги кунда эл-юртимиз прокуратура тимсолида “жазоловчи идора”ни эмас, балки аҳоли ва тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга кўмаклашадиган, уларнинг дардига шерик, мададкор бўлишга қаракат қиладиган халқпарвар тузилмани кўрмоқда”¹ деб таъкидлаган эди.

Янги замон, янги тартиботлар нафақат прокуратура, балки барча давлат тузилмаларидан ўзининг шу пайтгача амалда бўлган, қон-қонигача сингиб кетган иш услуби ҳамда халқ тасаввуридаги кўринишини ўзгартириш, **янги қиёфа – имиджини** яратишни талаб этмоқда. Бу имижни замон талаби, давлат сиёсати руҳидан ташқарида, халқ фикри ва талабини инобатга олмай, фақат профессионал хусусиятлар доирасида ишлаб чиқиб бўлмайди. Масалага бундай тор ёндашув, узокни кўзламаслик ижтимоий-сиёсий ҳаётда ўзини оқламайди, у имижни на давлат, на жамият қабул қилмайди.

Шу боис, бугунги кун прокурори имиджини яратишда ҳам сиёсат, ҳам халқ фикри, ҳам профессионал сифатлар бирдай инобатга олинмоғи лозим. Бунда асосий мезон сифатида прокурорнинг ўзи одамларга қандай кўринишни

¹ Ш.М.Мирзиёев. Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон - Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2024. – 448 б.

исташидан кўра, одамлар уни қандай қиёфада кўришни исташи муҳимроқ бўлиши лозим.

Иккинчи томондан, халқ кўз ўнгида ҳақиқий инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси бўлиб намоён бўлган тизим, унда хизмат қилувчи ходимлар учун ҳам қулай иш маскани бўлишини ҳисобга олиш зарур. Чунки ходимлар прокуратура тизимининг ўта муҳим компоненти ҳисобланиб, имидж ҳам айнан ходимлар – инсонлар орқали шаклланади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, бугунги кунда прокурор имиджини яратишда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади:

биринчидан, прокурор имиджини яратишда шахснинг касбий фаолияти, яъни профессионализи алоҳида ўрин тутди. Чунки у ўзида инсоннинг интеллекти, малакаси ва ўз касбини чуқур эгаллаганлиги ва моҳирлигини ифодалайди;

иккинчидан, имидж яратишда шахснинг маънавияти ҳам ўзига хос ўринга эга бўлиб, у инсоннинг ақл-заковати, билими, дунёқараши, ғоялари, истеъдод, қобилиятлари ва шунга ўхшаш бошқа иқтидорини ўзида акс эттиради.

учинчисидан, прокурор имиджини яратишда унинг шахс сифатидаги маданияти ҳисобланади. Чунки шахс маданияти деганда, унинг жамиятда ўзини тутиши, муомаласи, ташқи кўриниши ва кийиниш маданияти кабилар тушинилади. Ушбу санаб ўтилган барча жиҳатлар умумлашган ҳолда бугунги кун прокурорининг имиджини ташкил этади.

**Research Science and
Innovation House**